**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ**
**ЎЗБЕК ТИЛИ, АДАБИЁТИ ВА ФОЛЬКЛОРИ ИНСТИТУТИ**

O`ZBEKISTON RESPUBLIKASI FANLAR AKADEMIYASI

# “ИЗЛАНИШ САМАРАЛАРИ”

O`ZBEKISTON RESPUBLIKASI FANLAR AKADEMIYASI
O`ZBEK TILI, ADABIYOTI VA FOLKLORI INSTITUTI

**мавзусидаги ёш тилшунос ва адабиётшуносларининг республика илмий-назарий анжумани №4**

## МАТЕРИАЛЛАРИ
**2018 йил 16 ноябрь**

**Тошкент - 2018 йил**

# МУНДАРИЖА
## ТИЛШУНОСЛИК


**Ё.Одилов.** Эски туркий тилдаги сўзларда маъно тараққиёти....................3
**Г.У. Жуманазарова.** Халқ достонлари тилида лексик-стилистик қатламлар, уларнинг семантик табиати.....................................9
**Д.Жамолиддинова.** Тоҳир Маликнинг "Шайтанат" асарида қўлланган терминларнинг лингвопоэтик тадқиқи ....................................14
**Д.Низомиддинова.** Кириш ва киритма бирликларнинг гап ва матнга муносабати....................................................16
**С. Гафурова.** Луғатларда сўзларнинг тарихий-этимологик манбалари талқини («Луғоти салос» асари мисолида)...................................18
**Ш. Имомназарова.** Ўзбек халқ ўланларида тимсолларнинг лингвопоэтик хусусиятлари.....................................................24
**N.Tukhtakhodjaeve.** Teaching stylistic devices by the interactive techniques "Speed sharing and role play quiz" at intermediate level.......................29
**Ш. Жўраев.** "Сар-" компонентли лексемалар таҳлили ...........................33
**O.Mavlonov**. The development of the concept of language economy in linguistic literature....................................................40
**Д. Сиддиқова.** Баҳолаш хорижий тил ўргатиш самадорлигининг муҳим омили сифатида....................................................46
**Э.А.Худойқулов.** Япон ва ўзбек тилларида фразеологизмларнинг қиёсий ўрганиш тажрибасидан ....................................................49
**Д.Ф.Ҳошимова.** Тилшуносликка оид адабиётларда ўзбек халқи этник тарихи ва этногенези масалаларининг ёритилиши..............................51
**Ш. Сиддиқова.** Контаминация –интертекстуаллик воситаларидан бири сифатида ....................................................56
**Ф. Мусаева.** Словарь Махмуда Кашгари и узбекские диалекты...............61
**Қ.Собиров.** Ўзбек тилшунослигида драматик асар тилини ўрганиш масалалари ....................................................64
**М. Ғозиева.** Интонация ва гапнинг актуал бўлиниши хусусида...............69
**А. Саидномонов.** Ўзбек тили терминологиясида синонимлар.....................74
**Ф.Каримова**. Ўзбек тили диалогик нутқида миллий-маданий хусусиятлар....................................................77
**З.Муқимова.** Оламни идрок этиш ва тасвирлашда ўхшатишларнинг ўрни.......80
**А.Аҳмедова.** "Онаизор" қиссасининг лингвомаданий таҳлил....................85
**Э. Бойманов.** Ўзбек тилининг туризм терминологиясига доир баъзи мулоҳазалар....................................................89
**L. Jamolatdinova.** Matnazar Abdulhakimning leksik resurslardan foydalanish mahorati....................................................93
**О.Жумабоев.** Бадиий–ҳужжатли (nonfistion) асарлар тилининг ўзига хослиги....................................................96

The easy ways to learn german........................................100
L. Jovliyeva. The easy ways to learn german..........100
С. Абдухакимова. Ўзбек тилида “қўрқув” маъноси остида бирлашувчи лексемалар синонимияси ..........104
K. Radjabova. Yozma savodxonlikni oshirishda “Savodxonlik cho‘qqisi” (innovatsion pedagogik loyiha) usulining ahamiyati ..........108
Y. Boboyeva. Ingliz tili fanini o`rganishda fanlararo bog`lanish usullarining samaradorligi..........114
Ф. Мананова. Внимание к языку - внимание к народу..........116
A.Yusupova. “Sabot ul- ojizin” asarida yasama sifatlarning bir jihati xususida.121
N. Yuldasheva. O‘zbek xalq maqollarida lingvokulturemalarning ifodalanishi..........124
U. Abdullayev. O‘zbek ismlarining lahjaviy,erkalash-kichraytirish shakllari bilan bog‘lik variantlari..........126
D. Yusupova. Lotin yozuvini takomillashtirishga doir qarashlar..........129
F. Eshonqulova. Xorijiy tillarni o‘rgatishda innovatsion metodlar va texnologiyalar ..........132
E. Qosimov. O‘tkir hoshimov asarlarida frazeologizmlarning o‘rni..........135
J. O‘rozov. Til- millat va ma’naviyat birligi ..........137
M. Mahmudova. O‘xshatish-qiyoslash kelishigi..........139
Н.Ҳамраев. Кулолчилик хом-ашёларини ифодаловчи терминлар хусусида..142

***АДАБИЁТШУНОСЛИК***

Д.Жуманазарова. Адабий таълимда мустақил таълимнинг ўзига хос хусусиятлари..........147
С.Матякупов. Лирик кечинма талқинида мулоқот шакли..........150
Р.Хабохунова. Ўзбек мумтоз адабиёти илмий мактаби..........155
З.Шукурова. Кабутар образининг “Қисаси Рабғузий”даги талқини..........159
М.Курбониязов. Ҳикоятлар шаклланишида халқ оғзаки ижодининг таъсири масаласи..........162
З.Қувонов. Абдуқодир Ҳайитметов тадқиқотларида ижодий метод ва услуб масаласининг ўрганилиши..........166
А.Эшниязова . Адиб ижодига бир назар..........171
У.Бердибаев, Г.Тўлибаева. Шеъриятда умуминсоний муаммолар талқини..........176
М.Саъдуллаева, С.Болтабоева. Ойдиннисо шеъриятининг ўзига хослиги..........179
Д.Хидаева, И.Поздышева. Педагогик муомала маданияти..........183
Ф.Жабборов. Мақотил образининг вариантлараро қиёси..........186
У.Норматов. Шохдор она буғи ва кийик образларининг қиёсий таҳлили *(“Оқ кема” қиссаси ва “Қиронхон” достони вариантлари мисолида)*..........189
М.Ёдгорова. Роман концепцияси ва образ табиати..........193
М.Ўразбоева. Образ тасвирида ўзига хослик..........198
З. Маматалимов. Ўзбек болалар адабиётида алифбо-шеърлар..........201

...таълим тизими ва илм-фани ривожида Ўзбекистон Миллий университетининг роли" мавзусидаги халқаро илмий конференция материаллари. - Т., 2008.
4.Болтибоев Ҳ. Профессор Ғулом Каримовнинг ўзбек мумтоз адабиётини ўрганиш илмий мактаби. /Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетининг илмий мактаблари.– Т.: "Университет", 2008.
5.Қаюмов А. Қадимият обидалари. / Асарлар. 10 жилдлик, 10-жилд. – Т.: "Мумтоз сўз", 2010.
6.Қаюмов А. Ҳайрат ул-аброр талқини", "Фарҳод ва Ширин" талқини. /Асарлар. 10 жилдлик, 1/1-жилд. – Т.: "Мумтоз сўз", 2008.
7.Қаюмов А. Лайли ва Мажнун", "Етти сайёҳатчи", "Садди Искандарий". /Асарлар. 10 жилдлик, 1/2-жилд. – Т.: "Мумтоз сўз", 2008.

## КАБУТАР ОБРАЗИНИНГ "ҚИСАСИ РАБҒУЗИЙ" ДАГИ ТАЛҚИНИ

***Зилола ШУКУРОВА***
*(Алишер Навоий номидаги ТошДЎТАУ ўқитувчиси)*

Носириддин Рабғузийнинг "Қисаси Рабғузий" асари пайғамбарлар ҳақидаги қиссалардан ташкил топган ҳам диний, ҳам халқ оғзаки ижоди намуналари акс этган нодир ёдгорликлардан биридир. Қиссада пайғамбарлар ҳаёти мисолида айрим лавҳалар берилади. "Ўрта минтақадаги, улар генезисига кўра қадимий мифларга тақалади. "Ўрта Осиёга ислом динининг кириб келиши, ўз навбатида, исломий эътиқод, дунёқараш билан биргаликда ислом ва араб мифологиясининг ҳам бу ерга сингишига сабаб бўлди. Натижада маҳаллий мифологик тизим ҳам исломий дунёқарашга мослашди"[1]. Қиссада ҳам ана шундай қарашлар ифодаси етакчилик қилиб, табиат ва одам ҳақидаги илк илмий қарашлар маҳсулининг исломий эътиқод билан уйғунлашиш ҳолатини кузатиш мумкин. Бунга этиологик хусусиятга эга бўлган кабутар ҳақидаги ҳикояни мисол қилиш мумкин.

Қиссада кабутар Нуҳ (а.с)нинг эзгу дуосига дохил бўлган қуш сифатида эътироф этилади. Кабутар ҳақида дунё халқлари

[1] Туранов Ш. "Гўрўғли" достонларининг генезиси ва тадрижий босқичлари.: Филология фанлари доктори...дис.автореф. –Тошкент, 2001. 15-б

фольклори намуналарида қизиқарли маълумотлар учраб, улар деярли барчасида бу қуш тинчлик элчиси, эзгулик куйчиси, поклик белгиси сифатида машҳур. Хусусан, қадимда христиан анъаналарида у илоҳий илҳом манбаи ҳисобланган. Тумшуғида зайтун навдасини ушлаган кабутар бутун жаҳонда тинчлик, осойишталик, дўстлик рамзи саналади[1]. Бундай чуқур рамзийликка эга бўлган бу қушга ижобий муносабат масаласи замирида Нуҳ тўфони билан боғлиқ ходисалар ётади. Афсоналарда айтилишича, Нуҳ пайғамбар тўфоннинг қиркинчи куни кема дарчасини очиб қуруқ ер хабарини келтириш учун аввал қарғани, кейин кабутарни учириб юборади. Қарғанинг масъулиятсизлиги ва хиёнатидан фарқли ўлароқ кабутар иккинчи марта учириб юборилганида қуруқ ер хабарини зайтун навдасини келтириш орқали маълум қилади[2]. Нега айнан зайтун навдасини олиб келган, деган савол туғилиши табиий. Назаримизда, бу қуш билан зайтун навдаси ўртасида маълум боғлиқлик мавжуд. Чунки зайтун дарахти ҳам фольклор намуналарида рамзийликка бой ўсимлик ҳисобланиб, кўпчилик халқларда қадрланади. Хусусан, қадимги Европада ғалаба, тинчлик, шодлик, кўпайиш, ҳосилдорлик, тоза қалб, абадийлик; япон ва хитойларда дўстлик ва омад; христиан дини таълимотида тинчлик; ислом тасаввуфий таълимотича пайғамбарлик нишонаси сифатида муқаддас саналга[3]. Инжилда келтирилган зайтун бўлаги чуқур фалсафий маъно касб этиб, инсониятнинг кечирилиш белгиси ва қадрланади. Қуруқ ер хабарини келтириш масаласи сабаб қарға дўзахнинг, кабутар жаннатнинг муқаддас руҳ тимсоллари деб қарала бошланди. Демак, кабутар ва зайтун меваси ўртасида боғлиқлик бўлиб, Нуҳ (а.с)га тумшуғида зайтун мевасини олиб келиш инсониятнинг янгидан ҳаёт бошлаши учун имконият берилганлигига ишора қилган.

“Қисаси Рабғузий”да эса ижодкор юқорида айтиб ўтилган вариантдан ташқари кабутар ва тўфон лавҳасига бироз ўзгача ёндашади. Унга кўра пайғамбарнинг буйруғини бажон-у дил қабул қилган кабутар «Борди сой ер бўлди, суви сингмиш. Ул ерда қўнди, азоқи балчиқ бўлди. Ул соат-ўқ ёниб келди. Азоқиндаки балчиқни кўргузди”[4],– деб тасвирлайди. Хўш, нега ёзувчи курк ер хабарини

---

[1] http://myfhology.info/myth-animals/golub/html
[2] Библия. Книги священного писания ветхого и нового завета. 1том. – Москва: 1990, С-11; Библейского энциклопедия. Российское библейской общество. 1996. С-20; books.google.co.uz/books
[3] google weblight.com/?U=http://myfhology.info/myth-animals/golub/html
[4] Рабғузий. Қисаси Рабғузий. –Тошкент: Ёзувчи. 1990, 1-т. 45-б

айнан лой парчаси билан ифодалайди? "Барча метафоралар топишмоқдек яширинган бўлади. У тушуниш ва маъносини топишни талаб қилади. У ҳеч нарсани тўғридан-тўғри тушунтирмайди, аксинча кўчма маъно билан етказиб беради"[1]. Фрейденбергнинг илмий қарашларига таянсак, лой бўлаги маълум рамзийликка эга. Назаримизда, тинчлик куйчиси олиб келган лой бўлаги янги ҳаёт ва тирикликнинг қайта инъом этилишининг рамзий белгисидир. Чунки инсоннинг яшаши, овқатланиши, кўпайиши учун ер муҳим манбадир. Демак, айрим лавҳаларнинг ижодий қайта ишланиши мифологик афсоналарнинг вариантлилигини, ундаги образларнинг хилма-хил бўлишига олиб келган.

"Этиологик эртаклар ҳайвонлар, паррандалар ва ҳашаротларнинг шакл-шамойили, феъли, ранги, қиёфаси ҳақидаги маълумотларни ифодалаши жиҳатидан ахборот берувчи моҳият касб этади"[2]. Қиссада кабутарларнинг баъзи тури ҳақида ҳам маълумот берилган бўлиб, у ҳам Нуҳ тўфони билан боғланади. "Ул балчиқ аёқи уза туйлук бўлди. Бу кун азоқи туйлуклар анинг уруғи турурлар. Тақи бир ривоятда: Кўнгарчкун келиб сув қурмиш ерда қўнди. Азоб суви сассиқ учун азоқи қизил бўлди»[3] дея келтирилган. Демак, бу қуш оёғининг қизиллигига сабаб азоб сувининг сассиқлиги экан. Шунингдек, кабутарларнинг оёқлари орасидаги пардалилар айнан Нуҳ (а.с)га лой парчасини олиб келган кабутарнинг авлодлари бўлиб, бу парда уни бошқа тур вакилларидан ажратиб турар экан. Бундан шундай хулосага келиш мумкинки, қадимги инсонларнинг ҳайвонот олами генезиси ва тараққиёти масаласига алоҳида эътибор қилганлигини кўрсатади. Ёзувчи унинг инсонлар томонидан эъзозланишининг сабабини ҳам тушунтиради. Қора қарғадан фарқли ўлароқ ваъдасига вафо қилиб, ишончни оқлаган кабутар пайғамбарнинг эзгу дуосига сазовор бўлди. Шу сабаб ҳам инсонлар бу қушни севиб, уйларидан жой беришади. Уни эзгулик, шодлик, бахт ва тинчлик тимсоли деб билишади.

Умуман олганда, ҳайвонларнинг генезиси, ўзига хос характери, ташқи қиёфаси ҳақидаги қарашлар илк илмий тушунчалар сифатида қимматли бўлиб, Ўрта Осиёга ислом дини кириб келгандан сўнг неча минг йиллик тарихга эга халқ оғзаки ижоди намуналари билан уйғунлашиб, янги мазмун касб этиб борган. «Қисаси Рабғузий»

---

[1] Фрейденберг О.М. Миф и литература древности.- М: Наука, 1978. С 193
[2] Сафаров О. Ўзбек халқ оғзаки ижоди. –Тошкент: Мусиқа. 2001, 212-б
[3] Рабғузий. Қисаси Рабғузий. –Тошкент: Ёзувчи. 1990, 1-т. 45-б

асарида ҳам ана шу қарашлар ифодаси етакчилик қилиб, ҳайвонот дунёсининг пайдо бўлиши ва ўзига хос табиати пайғамбарларнинг фаолияти билан чамбарчас ҳолда тасвирланади. Бу эса ҳайвонот оламининг муайян турлари ҳақидаги мавжуд тасаввурларни бойитади. Энг муҳими, "халқ оғзаки ижоди намуналари бошқа санъат асарлари каби асоси ҳақиқатга таянади. Ҳаттоки, энг фантастик образлар ҳам келиб чиқишига кўра ҳақиқатга бориб тақалади"[1]. Бу эса дунёнинг моҳияти ва тузилишини тушунишда фольклор «илк асос» вазифасини ўтагани ҳақидаги хулосага келишимиз имконини беради.


**Фойдаланилган адабиётлар**

1. Библейского энциклопедия. Российское библейской общество. 1996. С-352
2. Библия. Книги священного писания ветхого и нового завета. 1-том. –Москва: 1990, С 538
3. Рабғузий. Қисаси Рабғузий. –Тошкент: Ёзувчи. 1990, 1-т. 240 б
4. Сафаров О. Ўзбек халқ оғзаки ижоди. –Тошкент: Мусика.2001, 367-б
5. Турдимов Ш. "Гўруғли" достонларининг генезиси ва тадрижий босқичлари.: Филолгия фанлари доктори...дис.автореф. –Тошкент, 2001. 47 б
6. Фрейденберг О.М. Миф и литература древности.- М: Наука, 1978. С 601
7. http://myfhology.info/myth-animals/golub/html
8. books.google.co.uz/books
9. google weblight.com/?U=http://myfhology.info/myth-animals /golub / html


## ҲИКОЯТЛАР ШАКЛЛАНИШИДА ХАЛҚ ОҒЗАКИ ИЖОДИНИНГ ТАЪСИРИ МАСАЛАСИ


***Махсуд КУРБОНИЯЗОВ***

*(Қорақалпоқ давлат университети катта ўқитувчиси)*


Қадимги туркий адабиётдаги жанрлар шаклланишига оид қонуниятлар «Қисаси Рабғузий»гача давом этиб, бу асарда маълум даражада ўз изини қолдирган. Бу умумийликни асардаги биргина ҳикоят жанри мисолида кўриш мумкин. Аммо "Қисаси Рабғузий"даги

[1] Пропп. Фольклор и действительность. М.: Наука. 1976. С 115